

## Ризқ талаб қилиш одамлар учун раҳматдир



09:00 / 02.08.2021 6193

Ризқ талаб қилиш одамлар учун раҳматдир. Улар бу ишни ўзларига ризқ етиб келгунча нафсларига таскин бериш учун қиладилар. Зотан, нафс муҳтож бўлса, қўлида фазл бор кимсадан тамагир бўлади. Агар ман қилинса, ман қилувчидан қаттиқ хафа бўлади. Аллоҳ азза ва жалла унга тақдир қилмаганини англашга ишончи етишмайди. Шундай экан, мазкур ман қилиш унинг учун фитна бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Аллоҳдан айбу нуқсонга бошловчи тамагирликдан паноҳ тилайман»**, деганларида ана ўшандан паноҳ тилаганлар.

Зеро, ман қилинганда, ушбу ман қилишни Аллоҳдан деб билмаса, қалби\* биродаридан ранжийди ва қалбига муҳр босилади, чунки қалбида биродарига қарши ғиллу ғашлик пайдо бўлади ва бу душманликка олиб

боради. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бунда шундай зарар борлигини билгани учун ризқ талаб қилиш эшикларини ва касбнинг турларини жорий қилган.

\*Қалб» луғатда «ўзгариш, айланиш» деган маъноларни билдиради. Инсон қалби тезўзгарувчан бўлгани учун шу номбилан аталган. Истилоҳда эса « раббоний, руҳоний ва латифнарсса бўлиб, ана шу латиф нарсса инсоннинг ҳақиқатидир. Идрок, билим ва маърифат ўшандандир, хитоб, итоб, иқоб ва талабҳам ўшангадир» деб таърифланади.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Касбнинг баёни китобидан)*